

ХФР

1918-йил
21-йундан чиқа
boshlagan

№33, 2022-йил
17-avgust,
chorshanba (32.727)

O'zbekiston O'VOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 август кuni Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари кун тартибидаги долзарб масалалар кўриб чиқилди, минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш, хусусан, Ўзбекистон ва Россиянинг ҳудудлари ва тадбиркорлари даражасидаги устувор кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг етти ойида товар айирбошлаш 30 фоизга ошди. Айни пайтда савдо кўрсаткичларининг ўсиши юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш ҳисобига таъминланмоқда.

Ҳудудлар ўртасида фаол ва самарали алмашувлар амалга оширилмоқда, шу йилнинг кузида учинчи Ўзбекистон – Россия ҳудудлар форумини ўтказиш режалаштирилган. Мухим инвестицион лойиҳалар ва маданий-гуманитар дастурлар давом эттирилмоқда.

Сухбатда Ўзбекистон ва Россия етакчилари, энг аввало, амалий шерикликни аниқ, сифатли мазмун билан бойитиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттириш орқали мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлигини қайд этдилар.

Шунингдек, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Ўзбекистон Президенти ва Россия Президентининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек конструктив, очик ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

ФРАКЦИЯ ТАШАББУСИ

ВАЗИР ЖАВОБ БЕРДИ



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидовнинг "Умумий ўрта таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини сифатли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Мамлакатимизда мактабларда янги ўқув йили бошланиши арафасида Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан мазкур эшитувда нафақат 6 миллиондан ортиқ ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари, 500 минг нафардан кўпроқ ўқитувчилар учун энг муҳим масалалар муҳокама этилди.

Мактаб таълимига эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Муаммолар бир кун ёки бир йиллик эмас, узоқ йиллар аввал бошланган. Бирданига ҳаммасини ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун жуда катта тизимнинг ич-ичига кириб бориш, неча минглаб масуулларнинг иш услуби, дунёқарашини ўзгартириш, яна улкан-улкан маблағлар ҳам керак.

Вазирнинг ахбороти, савол-жавобларга етиб келгунча ўйлаб қолсан, хаёлларинг тарихга тортиб кетади. Ўзбекистон ҳудуди диний балки, дунёвий фанлар ҳам ривож топган маскан саналган. Нил дарёсига Нилометр қўйган Фаробий, тўлқинлар жилосига қараб сувликнинг у тарафида ҳам қуруқлик борлигини айтган Беруний, табобатда ўчмас из қолдирган Ибн Сино, юлдузларнинг илмини очиб берган Улуғбек, нафақат шарқ, балки бутун дунё учун азиз бўлган Навоий ҳам бизнинг аجدодимиз эди. Лекин кейинги 4-5 асрда ички низолар, ташқи омиллар, мустамлакачилик...

! БУГУНГИ КУНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ 10 МИНГДАН ОРТИҚ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА 6,2 МЛН. НАФАР ЎҚУВЧИГА 500 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЪЛИМ БЕРИБ КЕЛМОҚДА.



хуллас, фан ва маданият орқага кетди. 1991 йил Мустақилликка эришганимиздан сўнг соҳани ўнглашга кўп ҳаракатлар бўлди. Аммо натижалар кутилганидек бўлмади, фан ва таълимда "катта сакраш"ни кўрмадик. Кейинги 5-6 йилда фан ва таълим соҳасини ислох қилишнинг иккинчи тўлкини бошланди. "Учинчи Ренессанс" куриш ғояси ортидан бирлашиш бошланди.

"Ренессанс" куриши керак бўлган авлодни тарбиялаш, камолга етказиш "хамирдан қил суғургандай" осон амалга ошадиган жараён эмас. Бундай авлодни тарбиялаш учун ҳам бутун бошли бир авлод курашиши, ҳар бир инсон буни ўзида ҳис қилиши керак.

Давоми 2-бетда. ▶

Ўзбекистон – Саудия Арабистони:

ТАРИХИЙ РИШТАЛАР ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА ВА РИВОЖ ТОПМОҚДА



Ўзбекистон ва Саудия Арабистони жўғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлмаса-да, давлатларимизни умумий тарих, диний-маърифий қадриятлар муштараклиги ва маданий ришталар боғлаб туради.

Саудия Арабистони Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. 1992 йил февраль ойида икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган протокол имзоланган. Бугунги кунда барча соҳаларда ўзаро манфаатли муносабатлар янги даражага кўтарилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг

таклифига биноан, 2017 йил 20-21 май кунлари Ар-Риёд шаҳрида ўтказилган Араб-муслмон мамлакатлари ва АҚШ саммитидаги иштироки икки томонлама ҳамкорлик тарихида янги босқични бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф доирасида ўтказган олий даражадаги учрашувлар чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланган.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ташқи сиёсат идоралари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Хусусан, 2021 йил 29 июнь кунини сиёсий маслаҳатлашувларнинг 4-раунди доирасида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболларини, шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Анжуманда сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақидаги батафсил маълумотлар тақдим этилди. Бу янгиланишлар жараёни икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятларни очиб бераётгани қайд этилди.

Давоми 3-бетда. ▶

ФРАКЦИЯ ПОЗИЦИЯСИ

ҲЕЧ БИР ТАКЛИФ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

12 август кунини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси яқунлари асосида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Кун тартибидеги масала юзасидан парламент қўйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Широнов ахборот берди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, вазирлик, идора ва ташкилотларда, республика бўйича барча туман ва шаҳарларда Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида 20 мингга яқин муҳокама тадбирлари ташкил этилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамаларида ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, қўйингки, ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз таклифларини билдирди. Умумхалқ муҳокамаси доирасида 150 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди. Фуқароларимиздан келиб

тушаётган таклифлар орасида давлатнинг ишсизлигини тугатиши, солиққа тортишнинг мутаносиб ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши, давлатнинг зарур ҳолларда хориждаги фуқароларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиши, меҳнат ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиниши, аёллар ва эркаклар ҳуқуқларининг тенглиги, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиши, одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилишини белгилаш ва бошқа шу каби таклифлар долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида, қонун лойиҳаси халқимиз таклифлари асосида маромига етказилиб, Асосий қонунимизни том маънода, халқ Конституциясига айланаётганидан далолат беради.

Шунингдек, қонун лойиҳаси қўйи палатанинг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши, сиёсий партиялар фракциялари йиғилишида муҳокамалардан ўтказилди.

Ҳозирги кунда ҳар бир таклиф ва экспертиза хулосалари чуқур ва атрофлича экспертлар, мутахассислар, олимлар, сиёсатчилар иштирокида муҳокама қилиб борилаётган.

Давоми 2-бетда. ▶

FRAKSIYA TASHABBUSI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

ВАЗИР ЖАВОБ БЕРДИ

Ҳаммамиз ота-она сифатида фарзандимизнинг тарбияли, билимли ва етук бўлиши учун жавобгарлигимизни биринчи ўринга қўйишимиз керак бўлади. Япония қандай қилиб бугунга етиб келди? Ахир инсоният тарихидаги илк ядро бомбаси синови айнан Японияда ўтказилган ва Иккинчи жаҳон урушида тиз чўктирилмаганмиди? Лекин япон халқи том маънода қаҳрамонлик кўрсатди, бутун бошли авлод ўзини фанга бағишлади. Фан ва таълимга жуда катта сармоя киритди, асосийси, тизимни йўлга қўйди, ҳар бир соҳада етук мутахассисларни тайёрлади. Бугун эса дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири бўлди.

Халқ таълими вазириги улкан тизим, уни ислоҳ қилиш, муаммоларни самарали ҳал этиш, дунёдаги илғор тажриба ва қадриятларни ўқитувчилар, ўқувчилар, барча мутасаддилар онгига, қалбига жойлаштириш жиддий масала. Дунё кўрган янги вазир зиммасида мисли кўрилмаган масъулият турибди. Шунинг учун вазир батафсил ахборот беришга, энг асосий масалаларни кенгроқ изоҳлашга эътибор қаратди.

Мамакатимизда кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида таълим тизимини замон талаблари асосида модернизация қилиш, мактаб ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, дарсликлар, ўқув методик қўлланмаларни замон талаблари асосида такомиллаштиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Вазир келтирган маълумотларга кўра, илғор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Миллий ўқув дастурини мактаб таълимга тўлақонли жорий этиш доирасида 296 номдаги янги замон дарслиги, шу жумладан, 189 та дарслик, 50 та машқ дафтари, 57 та методик қўлланма ва дарсликнинг мобиль иловалари яратилган.

Бугунги кунда халқ таълими тизимидаги 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактабида 6,2 млн. нафар ўқувчига 500 минг нафардан ортиқ ўқитувчилар таълим бериб келмоқда. Уларнинг билим ва касбий маҳоратини оширишга қаратилган ишлар натижада тоифага эга ўқитувчилар сони 220 минг 110 нафардан 302 минг 995 нафарга етган.

Шунингдек, аҳолига қўлайликлар яратиш, ортиқча оворагарчиликлар ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 1-синфга қабул жараёнлари электрон дастур орқали (my.maktab.uz) амалга оширилмоқда. 2022-2023 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 1-синфига 707 минг 146 нафар ўқувчини қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, 2022 йил 11 август ҳолатига 649 минг 817 нафар ўқувчи қабул қилинган.

Вазирнинг ахборотидан кейин навбат саволларга келди. Депутатлар вазириги бугунги кундаги мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги камчиликларни қандай бартараф этмоқчи эканлиги ҳақида сўрашди. Депутатлар фақат саволлар билан мурожаат қилишмади, балки эътибор берилиши керак бўлган масала ва таклифларни ҳам ўртага ташлашди.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Мавжуда Ҳасанова ўқувчи дарсликларнинг тўлиқ тўплами учун пул тўлаши, лекин баъзан дарсликлар тўлиқ бўлмаслиги ҳолатлари кузатилаётгани, ота-она ва ўқувчилар ижарага олаётган дарсликларни янги эмаслигидан шикоят қилиши ҳолатлари ҳам учраши, бу каби вазиятларга вазирлик қандай муносабат билдиришини сўради.

Вазирнинг биринчи ўринбосари Усман Шарифходжаев бундай ҳолатлар учраб туришини инкор этмади. Ҳар йили янги дарслик чиқара олмасликлари, дарсликларнинг даврийлик мuddати беш йил эканини, дарсликлар режа асосида янгиланиб боришини таъкидлади. Дарсликлар етишмаслигининг олдини олиш мақсадида бу йилги ўқув йили давомида 60 млн.дан ортиқ дарсликлар чоп этилиши режа қилингани қайд этилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ўқувчиларнинг янги ўқув йилини янги дарсликлар билан бошлаши хоҳлаши табиий, албатта. Лекин ҳар йили янги дарслик чоп этиш молиявий тарафдан ҳам мантқиқсиз кўринади. Қолаверса, бу китобларнинг қардсизлигини оширади, чунки ҳар йили янги дарслик чиқишини билган ўқувчи китобга бир марта фойдаланадиган буюмдек муносабатда бўлмаслигига ҳеч қайси ота-она қафолат беролмайди. Демак, китобда кадр бўлиши учун ҳам уни ҳар йили чоп этиш ўзини оқламайди.

Шунингдек, эшитувда мактабларда дарс соатларининг ўқитувчилар орасида қандай тақсимланиши, бу қайси мезъёр асосида тартибга солиниши ҳақида сўради.

Вазирлик мутасаддилари мактабларда дарс соатларининг тақсимланиши Адлия вазиригида 3271 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган йўриқнома асосида тартибга солиниши ва бундан ташқари, дарсларни тақсимлашда ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, билим даражаси, эришган ютуқлари инобатга олинишини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, мактабларда дарс тақсими билан боғлиқ ҳолатлар учраб туради, норозилар ҳар доим, ҳар жойда топилади. Асосийси, мактаб директорларининг адолатли бўлиши дарс соатларининг тақсимида муҳим аҳамият касб этади. Албатта, дарс соатлари юқоридаги мезон бўйича, яъни касбий маҳорат, илмий салоҳият ва эришган натижаларга қараб тақсимланса, ҳар томонлама адолатли бўлади.

Мажлисида умумий ўрта таълим муассасаларининг янги 2022/2023 ўқув йилига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, умумий ўрта таълим муассасаларини янги авлод дарсликлари ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш ишларини якунига етказиш бўйича таклифлар берилди. Умумий ўрта таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини сифатли ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга келишиб олинди.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисида халқ таълими вазирининг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Аҳмаджон ҚУРБОНОВ,
“Ўзбекистон ovozi” мухбири.

ҲЕЧ БИР ТАКЛИФ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

Мажлисида халқ вакиллари Конституциявий комиссия ва масъул кўмиталар томонидан амалга оширилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, халқ қимиз асосланган, ўйлаб тахлил қилишга мажбур қиладиган кўплаб таклифларни бераётганини ва бундай таклифларни эътиборсиз қолдириш ёки уларга юзаки ёндашиш мумкин эмаслигини билдирди.

Мажлисида қонун лойиҳасига фуқаролардан келиб тушган таклифлар асосида бир қатор янги нормалар киритилаётгани, лойиҳанинг матни тайёр бўлиши билан у депутатлар муҳокамасига киритилиши, халқ вакилларининг фикрлари эътиборга олинган ҳолда кейинчалик тайёр бўладиган Конституциявий қонун лойиҳаси референдумга қўйилиши қайд этилди.

Шунингдек, масъул кўмиталар олдига умумхалқ муҳокамаси ҳамда фракциялар йиғилишларида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳар томонлама эътиборга олган ҳолда, таниқли олимлар, етакчи экспертларни жалб қилиб, лойиҳани янада такомиллаштириш борасидаги ишларни якунига етказиш вазифаси қўйилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича бундан буён келиб тушадиган таклиф ва мулоҳазаларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ кўриб чиқишни таъминлаш, мазкур жараённи очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ташкил этиш чораларини кўриш, маромига етказилган Конституциявий қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўз муносабати ва таклифни билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси конституциявий ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини алоҳида эътироф этади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳамда Халқ демократик партияси сиёсий мафкурасининг негизини ташкил этадиган ғоялар қафолатланишига қаратилган 40 га яқин таклифлар Конституциявий қонун лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Ушбу ҳолат партияимизни конституциявий ислохотларни амалга оширишнинг барча жараёнларида фаол иштирок этишга ундайди.

Бугунга қадар партияимиз томонидан юртимизнинг барча ҳудудларида 2674 та тадбир ўтказилиб, конституциявий ислохотларнинг аҳамияти тушунтирилди ҳамда фуқароларимизнинг фикри-муносабати ўрганилди.

«Давоми, бошланиши 1-бетда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб ўтказилган учрашувлар, мулоқотлар жуда жонли, кўтаринки руҳда ўтди ва фуқароларимиз томонидан кўплаб таклифлар, мулоҳазалар билдирилди.

Биз мазкур учрашувларда охириги йилларда рўй берган туб демократик ўзгаришлар туфайли жамиятимизда янги муҳит, сиёсий-ҳуқуқий маданият шаклланиши ва фаоллик ошганига гувоҳ бўлдик. Энг асосийси, халқимизнинг кайфиятидан яққол билинганлиги, конституциявий ислохотлар айнан керак вақтда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси амалга оширилаётган ушбу конституциявий ислохотларни кўллаб-қувватлайди ва Конституциявий қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришда фаол иштирок этишини маълум қилади.

Шу билан бирга, муҳокамалар, савол-жавоблар кўрсатмоқдаки, фуқароларимиз томонидан билдирилган ва билдирилаётган таклифлар устида ҳали яна пухта ишлашимиз лозим. Ҳар бир фуқаро берган таклифи қайси мезон асосида қабул қилинди ёки рад этилганлигини аниқ билиши керак. Чунки ҳар бир фуқаро берган таклифи негизда инсон дарди бор, инсон муаммоси бор, қонунчилигимиздаги бўшлиқлар бор.

Шунинг учун келиб тушаётган таклифларни ажратиб олиш ва баҳолаш учун муайян бир мезонларни белгилаб олишимиз керак ҳамда ушбу мезонлар тўғрисида фуқароларимизга ахборот беришимиз керак. Майли, бу мезонлар қайсидир қонун ҳужжати билан тасдиқланган бўлмасин, лекин, Конституциявий комиссия ва масъул кўмиталарнинг фаолиятида тасвия сифатида доимий фойдаланилиши керак.


Шунингдек, фуқароларимизнинг Конституцияга киритиб бўлмайдиган таклифлари ва мулоҳазаларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак, деб ҳисоблаймиз. Улар Конституцияга кирмагани билан бокса қонунларни такомиллаштиришга, давлат идораларининг фаолиятини яхшилашга, айрим муаммоларни самарали ҳал этишга хизмат қилиши мумкин. Қолаверса, ҳар доим ҳам халқимиз, фуқаролар билан бунчалик кенг қамровда мулоқот қилиш, ҳаётимизнинг барча йўналишлари бўйича жамоатчилик фикри ва кайфиятини ўрганиш имкони бўлавермаслиги мўнж.

Шунинг учун умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклифлар устида тизимли ишлаш ва муаммоларни ҳал этиш учун Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталарига ҳамда ҳукумат орқали вазирилик-идораларга бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Абитуриентларга тилак

ҲАЁТГА ЖАСОРАТ БИЛАН



Аксарият ёшларнинг маҳалласидан, кишлоғидан муҳитдан узоқроқ чиқиб, ҳаётнинг дарёдек оқимида, жамиятга қўшилаётган даври абитуриентлик билан боғлиқ. Яқин-яқин йилларга ўқишга кириш жараёнидаги адолатсизликлардан қанча ёшларнинг кўнгли синиб кетарди. Зўри бор, зари бор ўқийди, деган ўй ишонччи чилпарчин қиларди. Ҳозир бутунлай бошқа имкониятлар. Идеал эмасдир, лекин аввалгилардан ер билан осмонча фарқи бор.

Президентимизнинг 2022 йил 15 июндаги “2022-2023 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги фармойишга асосан, ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари умумий квотаси 121 минг 395 нафар этиб белгиланди. Жумладан, бакалаврият – 110 минг 707 нафар, кундузги таълим шаклига – 77 минг 477 нафар, сиртки таълим шаклига – 26 минг 095 нафар, кечки таълим шаклига – 3 минг 725 нафар, масофавий таълим шаклига – 3 минг 410 нафар, магистратурага – 10 минг 688 нафар қабул квотаси белгиланди.

Шу билан бирга молиявий мустақиллик берилган 36 та давлат ОТМ тўлов-контракт бўйича яна 50 мингдан ортиқ қабул параметрлари Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланиши режалаштирилган. Натижада жорий ўқув йилида қабул параметрлари ўтган йилга нисбатан ошди. Магистратурага мустақиллик берилган 36 та олийгоҳ томонидан 2 минг 904 нафар талабани қабул қилиш режалаштирилган. Шунингдек, республикада фаолият юритаётган 31 та хоржий ва 26 та нодавлат олийгоҳларига жами 34 минг нафар талаба қабул қилиниши режа қилинган.

Шу аснода 2022-2023-ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига абитуриентларни онлайн рўйхатга олиш якунланди. Қабул якунига кўра, онлайн рўйхатдан ўтган ва таълим йўналишларини танлаган абитуриентлар сони 1 миллион 214 минг 232 нафарни ташкил этади. Шундан 395 минг 023 нафари — жорий йил битирувчилар ва 819 минг 209 нафари эса аввалги йиллар битирувчилари ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларига кириш тест синовлари 8 август кунидан бошланди ва тест синовлари кунига икки пайтда ўтказилаёпти. 1-навбат 07:00 дан 10:00 га қадар, 2-навбат эса 19:00 дан 22:00 га қадар бўлиб ўтмоқда. Тест синовлари ҳудудлардаги абитуриентлар сони ва тест синовлари ўтказиладиган майдонлар

сифидан келиб чиққан ҳолда 10 кундан 13 кунгача давом этади ва 20 август кунги якунланади.

Ўз ўрнини топиш учун илк қадамларини қўяётган, катта ҳаёт йўлидаги жиддий имтиҳонлардан ўтаётган абитуриентларга омад тилаймиз.

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,

Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазири:

– «Битирувчи» сўзи бир қарашда оддийгина туюлиши мумкин, бироқ унинг мақомида шунчалар муҳим моҳият борки, бу етилган ва битган тарбия, тақомилга етган маърифат деганидир.

Битирувчи мақомига эга бўлар экансиз, ўзингизни катта ҳаётга қалбан ва руҳан тайёрлаб боришингиз зарур. Чунки ҳаммаси бирдан ёришиб кетади, олдингизга тўшалган бепоён йўллар сарҳади ва оқ нардан иборат кенг очиклик саросимага солиб қўйиши мумкин. Кўз илғамас мавҳумлик юксак мақсадлар сари одимлашда дилга шубҳалар солади. Боси, бу давр сиз учун энг синовли палладир.

Битирувчиларимиз ўзи ишлаб кета оладиган, қизиқишларига мос тушадиган соҳани танлаб иш бошлаши ва янги ҳаёт остонасини босишлари керак бўлади. Мен бу ўттиш даври изтиробларини қалбан ҳис этаман. Биз ҳам бу зиналарни босганмиз, бир маслаҳаттўйга, тўғри йўл кўрсатувчига эҳтижimiz бўлган.

Инсон учун аталган энг катта неъматлардан бири – ҳаёт. Сиз ундан завқланиб, ўзингиз учун яратилган шароитлардан максимал даражада фойдаланиб яшашингиз керак. Умар Хайёмда бир гўзал байт бор: «Ташқаридаги ёмғирни кўриб бир инсон барг устидаги бир томчининг қанчалик мўъжиза эканлигини, унда қанча дунё борлигини англаса, иккинчиси эса, лойга қараб фикр қилади».

Янги авлод учун энг керакли бўладиган нарса – хатарлардан эҳтиёт бўлиш. Ҳаёт хатарлари кучайиб бормоқда: ахборот хуружи, дангасалик, лоқайдлик, ватанпарварлик ҳиссининг йўқлиги, беқарорлик, вақтичоғлик, тушкунлик. Шу хатарларни танишингиз керак. Яхшилар орасига, нияти, мақсади бир бўлган жамоага қўшилиш. Шундагина сиз тақдирингизни тўғри ҳал қилиши, бошлаганингизни битириши ўрганаёсиз.

Поезд «Янги ҳаёт» деб аталмиш шаҳарга келиб тўхтади. Буёғига яшаш учун пул тўлайсан ва пиёда юрасан!

Ҳов ана, кўряпман узоқдаги нуқтани. Биламан, у сенинг орзуинг, ундан кўзингни узма ва йўлингга учрайдиган маслаҳатчилар, ақллалар, кўрқитувчилар, ишонмайдиганларга қарамай юр, югур, қоқил, майли йиқил. Оёғингга уришса эмակла, лекин тўхтама!

Кўзингни каттароқ оч, ҳеч нарсадан кўрқма. Бу сенинг ҳаёт йўлинг. Ҳеч кимнинг сенга қандай яшашни ўргатишга ҳаққи йўқ. Ўз юрагинга қулоқ сол!

Бахтиёр САИДОВ,

Халқ таълими вазири:

– Бугун мактабни тамомлаётган ҳар бир ўқувчи учун ҳаётидаги яна бир муҳим эшиклардан бири очилмоқда. Бу эса катта ҳаётга йўл демакдир!

Айни шу фурсатда битирувчиларга мактаб йилларини, мактабдаги дўстлари ва албатта, уларни катта ҳаётга тайёрлаган, энг қимматли ва зарур нарсаларни сармоя қилган ўқитувчиларини доимо яхши хотирлар билан ёдга олишларини тилайман.

Бугун мактаб билан хайрлашаётган битирувчиларимиз тўғри танлов қилиб, ўзингиз учун сеvimли ва керакли касбни эгаллашга, барча муваффақиятсизлик, тўсиқларни четлаб ўтишга ва ҳозир интилаётганларингизга кўмаклашувчи йўлдан боришга ҳаракат қилинг!

Интилинг, жасоратли бўлинг, фақат олдинга қадам босинг, ҳеч қачон ортга чекинманг. Бир нечта тилларни ўрганинг ва албатта, китоб ўқинг. Фақат орзулар билан эмас, аниқ мақсадлар билан яшанг. 10 йилдан кейин ўзингизни ҳаётда ким сифатида кўришингизни бугундан тасаввур қила олинг.

Ўз устингизда ишлашдан ҳеч қачон тўхтаманг. Инсон «Мен барчасига эришдим», деган кунни яшашдан тўхтади. Шу боис доим олдингизга юксак мақсадлар қўйинг ва улар сари олға интилинг.

Ҳасад тўйғуси инсонни еб битирадиган энг ёмон иллат, шу боис фақат атрофингиздаги инсонларга ҳавас кўзи билан қаранг.

Мактабда олган билимларингиз билан устозларингиз юзларини ёруғ қилиб, улкан муваффақиятларга эришингизни, ватанимиз равнақини юксакларга кўтарадиган фарзанд бўлишингизни тилайман!

“Ўзбекистон ovozi” мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

HAMKORLIK

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

Ўзбекистон – Саудия Арабистони:

ТАРИХИЙ РИШТАЛАР ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА ВА РИВОЖ ТОПМОҚДА



Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкентда ташкил этилган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик, таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияда Саудия Арабистони ташки ишлар вазири Шаҳзода Файсал бин Фархан бошчилигидаги делегация иштирок этди. Саудия Арабистони делегацияси раҳбари Ўзбекистон Президентини томонидан қабул қилинди. Учрашув чоғида Саудия томони республикамизнинг Марказий ва Жанубий Осиёдаги минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича муҳим халқаро ташаббусларини, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга ҳар томонлама қўмаклашиш борасидаги саяё-ҳаракатларини юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

Жорий йил 25-26 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Афғонистон: ҳавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш" мавзусига бағишланган халқаро конференцияда ҳам Саудия Арабистонининг йирик делегацияси иштирок этгани минтақалараро боғланганликни ривожлантиришга бўлган қизиқиши ва сарфдорлиги яна бир бор тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони халқаро ва минтақавий ташкилотларда бир-бирини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, Саудия Арабистони Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд тўғрисидаги резолюция, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси қабул қилиниши қўллаб-қувватлади. 2019 йилда Подшоҳлик Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган "Маърифат ва ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясининг ҳаммуаллифи бўлди, 2020 йилда Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига сайланиши ҳамда мамлакатимизнинг бошқа муҳим ташаббусларини ёқлаб овоз берди.

Ўзбекистон, ўз навбатида, БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича қўмитаси, Ижтимоий-иқтисодий кенгаши, Инсон ҳуқуқлари кенгаши, Болалар ҳуқуқлари қўмитаси, Ирқий камситилишга барҳам бериш бўйича қўмитаси, ЮНЕСКО Ижроия кенгаши, Умумжаҳон мерос қўмитаси ва «Ахборот барча учун» дастури Ҳукуматлараро кенгаши аъзолигига Саудия Арабистони номзодини қўллаб-қувватлагани. Бундай муносабат, шунингдек, БМТнинг Универсал даврий ҳисобот механизми доирасида ҳам мавжуд. Саудия Арабистони миллий ҳисоботнинг қабул қилинишига ўз ҳиссасини қўшди. Мамлакатимиз ҳам Подшоҳлик миллий ҳисоботларини муҳокама қилиш жараёнида уни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бундай мазмундаги ўзаро ҳамкорлик бошқа кўпгина халқаро тузилмалар доирасида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам жадал тус олганини мамнуният билан қайд этиш керак. «Ўзбекистон – Саудия Арабистони» парламентлараро дўстлик гуруҳининг амалий саяё-ҳаракатлари натижасида ўзаро алоқалар фаоллашиб, уларнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланмоқда.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик масалаларига, ўзаро савдонинг ҳажми ва турларини янада кўпайтиришга, мухтасар қилиб айтганда, томонлар учун устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил 18-19 апрель кунлари Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо вазири бошчилигидаги делегация ташриф билан Саудия Арабистонида бўлди.

Унинг доирасида Саудия Арабистони билан устувор йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича музокаралар ўтказилди.

Хусусан, мамлакатимиз делегациясининг Саудия Арабистони Подшоҳлиги энергетика вазири, шаҳзода Абдулазиз бин Салмон ал-Сауд билан учрашуви чоғида энергетика соҳасидаги Ўзбекистон - Саудия Арабистони муносабатларининг ҳозирги ҳолати, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва бу соҳадаги қўшма инвестиция портфелини кенгайтириш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди. Музокаралар доирасида қайта тикланадиган энергетика жабҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбарининг Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Халид ал-Фалиҳ билан бўлиб ўтган учрашувида ҳам икки давлат ўртасидаги инвестиция ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун фойдаланилмаган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда томонлар кимё, металлургия, тоғ-кон ва тўқимачилик sanoati, шунингдек, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилгани баробарида ушбу лойиҳаларда иштирок этиш учун Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ишбилармон доиралари вакилларини жалб қилиш юзасидан биргаликда иш олиб боришга келишиб олинди.

Ташриф доирасида Саудия Арабистонининг "Acwa Power" компанияси бошқаруви раиси Мухаммад Абунаён ва "SABIC" нефть-кимё корпорацияси бош директори Юсуф Абдуллоҳ ал-Беньян билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида биргаликда амалга оширилаётган энергетика лойиҳаларининг ҳозирги ҳолати, уларни кенгайтириш имкониятлари, шунингдек, компанияларнинг Ўзбекистондаги инвестиция портфелини кўпайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Саудия Арабистонининг Ўзбекистон иқтисодиёти турли тармоқларига сармоялар киритиши 2017-2021 йилларда жадал тус олди ва у ўзаро муносабатларнинг бутун тарихи давомидаги кўрсаткичлардан ортиб кетди. Албатта, ўзаро савдо ҳажмининг натижалари икки томонни ҳам қониқтирмаётгани табиий ҳолдир. Мамлакатларимиз ушбу йўналишдаги устувор мақсадларни белгилаб олган. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ глобал вазиятнинг барқарорлашуви Ўзбекистон — Саудия Арабистони савдо алоқалари ҳажмларининг янада ўсишига қўмаклашади.

Саудиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон бозорига инвестиция киришига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Саудия билан ҳамкорликда ташкил этилган 38 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 20 таси тўғридан-тўғри саудиялик инвесторлар маблағлари ҳисобидан ташкил этилган бўлса, 18 таси қўшма корхоналар ҳисобланади.

Жорий йил 23 январь куни Бухоро шаҳрида Саудия Арабистони Подшоҳлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон - Саудия Арабистони бизнес-форуми ва Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманларда Саудия Арабистони Инвестициялар вазирилиги, Энергетика вазирилиги, Саноат ва минерал ресурслар вазирилиги, Савдо-саноат палаталари кенгаши, Марказий банки, Саудия Арабистони экспорт-импорт банки, Саудия Арабистони тараққиёт жамғармаси, "Acwa Power", "Saudi Aramco", "Al-Management Bassam

Petroleum Equipment", "Salic", "Bahri", "Elm", "Bait-Al Batterjee", "Ma'aden" ва "Saudi Airlines" каби 30 га яқин йирик компания раҳбарияти иштирок этди.

Сирдарё вилоятида «Acwa Power» компанияси томонидан қиймати 1,2 миллиард долларлик электр станцияси бунёд этилмоқда. Ушбу компания, шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятларида қиймати 1,3 миллиард долларлик шомол электростанцияларини қуриш бўйича шартномалар имзолаган. Қорақалпоғистонда 100 МВт қувватга эга 108 миллион долларга тенг шомол электр станциясини қуриш бўйича битим тасдиқланган.

Жорий йил 24-26 март кунлари пойтахтимизда ўтказилган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида Саудия Арабистони инвестициялар вазири Халид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегация қатнашди. Ташриф доирасида Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг 5-йиғилиши, Ишбилармонлар кенгашининг 3-йиғилиши ҳамда икки мамлакат ишбилармонларининг навбатдаги бизнес-форуми ўтказилди.

Икки давлат ўртасида транспорт соҳасидаги алоқалар ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўллари орқали юк ташувлар бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорлик 2009 йилда имзоланган Ҳаво қатнови тўғрисидаги икки томонлама давлатлараро битим ҳамда авиация маъмуриятлари ўртасидаги келишувлар билан тартибга солинмоқда.

COVID-19 пандемиясига қадар Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида мунтазам қатновлар «Uzbekistan Airways» АЖ томонидан Тошкент — Жидда — Тошкент йўналиши бўйича ҳафтасига 7 маротаба амалга оширилган. 2022 йил 22 январдан бошлаб мазкур йўналишдаги авиақатновлар қайта тикланди.

2021 йил август ва октябрь ойларида Саудиянинг «FlyNas» авиакомпанияси «Ар-Риёд — Тошкент — Ар-Риёд» йўналиши бўйича тўғридан-тўғри авиақатновларни амалга оширди. Ҳозирги пайтда томонлар ҳаво қатновларини қайта тиклаш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Мамлакатларимиз маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт йўналишларидаги ришталар тобора мустаҳкамланиб бораётганини яққол кўриш мумкин.

Икки томонлама муносабатларда Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас динимиз амалларини бажариш, табаррук қадамжоларни зиёрат қилиш учун Саудия Арабистони сафарларини ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Covid-19 пандемияси арафасида - 2019 йили 21,5 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси Умра сафарига ва 7 минг 200 нафар юртдошимиз Ҳаж зиёратига борган эди. Саудия Арабистони жорий йил хорижий қиётчилар учун Ҳаж сафари квотасини ошириш бўйича қарор қабул қилгани натижасида йил бошидан буён 32 минг нафар ўзбекистонликлар Умра ва 12 минг киши Ҳаж сафарини амалга оширди.

Саудиялик шифокорлар кўмагида Фарғона вилоятидаги кўп тармоқли тиббиёт муассасасида 110 нафар беморда бепул юрак жарроҳлиги амалиёти ўтказилди. Мазкур хайрия ишига Ар-Риёддаги Шайх Самир Нажар номидаги вақф жамғармаси ҳомийлик қилди.

2020 йил сентябрь ойида Ар-Риёд шаҳрида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва Саудия электрон университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Тошкент Давлат шарқшунослик университети ва Подшоҳ Абдулазиз университети ҳам ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган.

2021 йил Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази ва Подшоҳ Файсал номидаги Ислоҳ тадқиқотлари маркази ўзаро англашув меморандумини имзолади. Ҳозирги пайтда ҳар икки марказ ўзаро тажриба ва ташрифлар алмашмоқда, қўлғезмаларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро алоқалар бугун халқаро майдонда ҳам ишончли, муҳим ва узоқ муддатли ҳамкорликнинг яққол намунаси сифатида ўз эътирофини топмоқда.

Жобир ХўЖАҚУЛОВ,
«Дунё» АА



ЯНГИ ТАРТИБОТ ЎРНАТИЛСА, БРИКСНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Бугун жаҳоннинг энг машҳур нашрларида дунё тартиботи катта ўзгаришлар ёқасида тургани айтилмоқда. Кўпчилик экспертларнинг фикрига қўра, бу тартиботда БРИКСнинг ҳам ўрни ва роли мавжуд. Ҳўш, БРИКС қандай ташкилот? Умуман, ташкилотнинг потенциали ҳақида маълумот берамиз. Сиз эса унга баҳо бериб ҳақиқатан ҳам бу гуруҳ келажакда жаҳон тартиботининг асосий акторлардан бири бўлиш ёки бўлмаслиги ҳақида ҳулоса қиласиз.

Гуруҳга аъзо Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой аҳолиси, ҳудуди ва ялпи ички маҳсулоти бўйича дунёнинг энг йирик ўн та давлати қаторига қиради, Жанубий Африка Республикаси эса бу кўрсаткичлар бўйича дунёнинг 25 та энг йирик давлатлари рўйхатида қиради.

Гуруҳга аъзо давлатлар аҳолиси тахминан 3,5 млрд. га яқин, бу дунё аҳолисининг 40 фоизидан кўпрогини, майдони эса қарийб 40 млн. километр квадратни яъни, ер юзининг тахминан 25 фоизига яқини гуруҳга тегишли. ЯИМ эса 20 триллиондан ортиқ, бу дунё ялпи ички маҳсулотининг салкам 25 фоизини ташкил қилади.

БРИКСга аъзо давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатлар асосан аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатларга асосланган ҳолда олиб борилади.

БРИКС тарихи

Даставвал, БРИС номи билан аталган гуруҳнинг 1-расмий саммити 2009 йил 16 июнда Екатеринбургда бўлиб ўтган. Унда Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойнинг етакчилари қатнашган. Саммитда асосий эътибор глобал иқтисодий вазиятни яхшилаш ва молия институтларини ислоҳ қилишга қаратилган бўлиб, тўртта давлатнинг келажакда қандай ҳамкорлик қилиши мумкинлиги муҳокама қилинган. Екатеринбург саммитидан сўнг БРИС давлатлари янги глобал резерв валютага эътиёж борлигини эълон қилишган. 2011 йилда эса Жанубий Африканинг гуруҳга кириши билан БРИКС номи вужудга келган.

БРИКС – ҳозирча Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африкадан иборат ташкилот. 2009 йилдан бери БРИКС давлатларининг ҳукуматлари ҳар йили расмий саммитларда учрашиб келади. Хитой 2022 йил 24 июлда сўнгги 14-БРИКС саммитига мезбонлик қилди ва эътиборли жиҳати бу саммитда кўплаб аъзо бўлмаган давлат раҳбарлари ҳам иштирок этди.

РЕЖАЛАР

2015 йилда Россияда бўлиб ўтган БРИКС саммитида гуруҳга аъзо давлатлар вазирилар Бутунжаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар жамияти (СВИФТ) тизимига муқобил бўладиган тўлов тизими бўйича маслаҳатлашувларни бошладилар. Улар СВИФТ тизимида бўлиб турадиган узилиш ва носозликлар туфайли гуруҳга аъзо давлатлар учун янги тизим ишлаб чиқиш устида бош қотира бошлашди. Кейинчалик бу тизим орқали гуруҳ давлатлари орасидаги айланмаларни амалга оширишни мақсад қилишмоқда. Гуруҳ СВИФТдан ташқари долларга муқобил валюта яратишни ҳам мақсад қилган. Бунда янги валютанинг курси аъзоларнинг миллий валюталари саватидан келиб чиқиб белгиланиши айтилмоқда. Бу эса БРИКС давлатлари учун ўзаро савдо долларга алтернатив бўлиши кутилмоқда.

ЯНГИ АЪЗОЛАР

Хитой Халқ Республикаси раиси бирлашиш саммитида қатнашган ва нутқ сўзлаган Эрон Президенти Иброҳим Раисинини аъзоликка таклиф қилди.

Аргентина ҳукумати ҳам блокга қўшилиш учун ариза берди. Президент Алберто Фернандеснинг фикрича, БРИКС блокин адолатли келажак учун кун тартибининг муҳокама қилиш ва амалга ошириш учун катта имкониятларга эга платформа сифатида қабул қилиш мумкин.

Қолаверса, Хитой ташқи ишлар вазири Ван И БРИКСга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирилар йиғилишида Хитой БРИКСни кенгайтириш жараёнини бошлашни таклиф этди.

Йиғилишда ассоциацияга аъзо бўлмаган давлатлар ташқи ишлар вазириликлари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Жумладан, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Аргентина, Миср, Индонезия, Нигерия, Сенегал, Бирлашган Араб Амирликлари ва Таиланд ташқи ишлар вазири ўринбосарлари иштирок этишганди.

АСЕАНга аъзо давлатларнинг бу йиғилишда иштирок этиши, келажакда БРИКС ва АСЕАН ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик ўрнатилишига имкон, деб баҳоланмоқда.

Пекин яқин келажакда Покистон, Туркия, Малайзия ва Индонезия БРИКСнинг бир қисмига айланиши мумкин, деб ҳисоблашни тақдирламоқда.

Ўтган БРИКС учрашувларидан фарқли ўлароқ, сўнгги учрашувда иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорликдан ташқари, вазирлар хавфсизлик билан боғлиқ қатор масалалар бўйича консенсусни тасдиқладилар.

Охириги пайтларда дунё давлатлари орасида БРИКСга нисбатан қизиқиш уйғонмоқда. Бунга эса асосий сабаб қилиб, БРИКСнинг ҳарбий эмас, иқтисодий ташкилот эканлиги айтилмоқда.

Аҳмаджон ҚУРБОНОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

O'zXDP: JAMOATCHILIK NAZORATI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ИЖТИМОЙ ДОРИХОНАЛАР
КУТИЛГАНИДЕК ИШЛАЯПТИМИ?

ҲАММАМИЗ
ИССИК ЖОНМИЗ.
БУГУН БЎЛМАСА,
ЭРТАГА ШИФОКОРГА
ИШИМИЗ ТУШИБ
ҚОЛИШИ МУМКИН.
ТИББИЙ КЎРИҚДАН
СЎНГ ҚЎЛИМИЗГА
ТУТҚАЗИЛГАН
РЕЦЕПТ БИЛАН
ДОРИХОНАГА ЙЎЛ
ОЛАМИЗ. АКСАРИЯТ
ДОРИХОНАЛАР
ХУСУСИЙ, ЎЗИГА
ХОС БИЗНЕСДАЙ
ГАП. ЛЕКИН ДОРИ
ВОСИТАЛАРИ ХАРИДИ
УЧУН КАМ ДАРОМАДЛИ
ФУҚАРОЛАРГА
ИМКОНИАТ
ЯРАТИШ ДАВЛАТ
ЗИММАСИДАГИ МУҲИМ
ВАЗИФАЛАРДАНДИР.



Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Касаллик бор экан, даволашми керак бўлади, дори-дармонга мурожаат қиламиз. Яхши ва ёмон томони бўлгани каби дорихоналар бугун магазинга айланиб қолди. Ким қанча хоҳласа, шунча дори олиши мумкин бўлиб қолди. Ҳар биримизнинг уйимиздаги дори қутилар керак, ноқерак дорилар билан тўла. Кўпга чет давлатларида касал бўлсангиз, сизга фақат энг зарурини беради, рецептсиз бошқа дори ололмайсиз. Кеча бошимиздан кечирган пандемия вақтида дори-дармонлар инсон ҳаётида қанчалик муҳим экани кўринди. Дорилар қимматлашди. Жиддий асорат турганда ҳеч ким улардан пулни аямайди. Бундай вақтда эса партиямиз электорати бўлган қатлам қийналади.

Ҳўш, бугун пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини дори воситалари билан таъминлаш ҳолати қониқарлими? Тараққиёт стратегиясида аҳоли арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, уларнинг нархи асосан ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ноқонуний фармацевтик фаолият ва рецептсиз дори-дармон воситалари, қучли таъсир қилувчи дориларни сотиш тартибини бузганлик учун уларга чора кўриш ҳақида қатор масалалар эътиборга олинган. Уларнинг ижроси бажарилмоқда. Биз ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этишимиз керак бўлади.

Белгиланган тартибга асосан ижтимоий дорихоналар истеъмолчилардан келиб тушган шикоятлар асосида аниқланган, дори воситаларининг ноҳўя таъсири ва самардорлиги паст ҳолатлар ҳақида вазирликнинг маълумоти, оврагарчилик туғдиради.

Беморларга керакли бўлган, шифокор томонидан рецепт асосида ёзилган одатий дорилар бўлмайди. Сотувда асосан иситма туширувчи, витамин, антисептик воситалар, қон босимини туширувчи дори воситалари, шприц ва эритмалар бўлади. Қанд миқдорини туширувчи дорилар йўқлиги ҳақида ҳам мурожаатлар бор. Неврологик, юрак-қон томир касаллиги учун керак дорилар ҳам етишмайди. Юқоридагиларни инobatга олиб, поликлиникада фаолият кўрсатаётган ижтимоий дорихона зарурати, уларнинг фаолиятини изга тушириш, керакли дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Нигора ЭШМЕТОВА,
ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши
раиси, халқ депутатлари
шаҳар Кенгашидаги партия
гурухи раҳбари:

– Тўғри, бугун дори-дармон сотиб олиш эркин, ҳамма ёқда дорихона. Чекланмаган миқдорда харидлар йўлга қўйилган. Аммо уларнинг нарх-навоиси аҳолининг барча қат-

ламга ҳам тўғри келавермайди. Айниқса, партиямиз электорати вакиллари ҳисобланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ўйлантирадиган, ташвишга соладиган масала ҳам айнан шу. Яъни, уларнинг ҳаммаси ҳам бемор бўлса, ҳар қандай дорихонадан керакли дориларни сотиб олишга имкони етмайди. Бу борада ижтимоий дорихоналар уларга қўмақчи бўлади, албатта. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бугун уларнинг фаолияти ҳақида ҳар бир фуқаро яхши биладими? Аҳолининг ҳар бир қатлами уларга ёрдам қўлини қўздаиган мана шундай дорихоналар борлигидан хабардорми? Гарчи ташкил этилганга анча вақт бўлган бўлса ҳам бу турдаги дорихоналар беморлар мушкулларини осон қилиш учун воситага айланиб улгургани йўқ. Хизмат кўрсатиш ҳам ҳудудларда бирдек эмас, ҳаминқадар ишлаётганлари ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда ижтимоий дорихоналар томонидан сотилаётган дори воситалари нархи ижтимоий дориларга 10 фоиз ва бошқа дори воситаларига 15 фоизгача устама қўйилади. Мазкур дори воситалари ҳақида эҳтиёжни аниқлаш, уларни қабул қилиш, сақлаш ва оқилона ишлатиш ҳолати ҳар чоракда мониторинг қилиб борилади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун муассаса раҳбари ва катта ҳамшира шахсан масъул ҳисобланади. Камчиликлар ҳам бор, албатта. Мисол учун, айрим дорихоналарда захира дори-дармонлар йўқ. Ижтимоий дорихоналар сони камайган. Нархлари ҳам кўчадаги дорихоналар билан бир хил ёки баландроқлари ҳам бор. Айрим зарур дорилар етишмайди. Поликлиникалар 08:00 - 20:00 гача фаолият кўрсатган вақтда, имтиёзли дорихоналар 15:00 гача ишлайди. Бу ҳам аҳолига ноқулайлик, оврагарчилик туғдиради.

Беморларга керакли бўлган, шифокор томонидан рецепт асосида ёзилган одатий дорилар бўлмайди. Сотувда асосан иситма туширувчи, витамин, антисептик воситалар, қон босимини туширувчи дори воситалари, шприц ва эритмалар бўлади. Қанд миқдорини туширувчи дорилар йўқлиги ҳақида ҳам мурожаатлар бор. Неврологик, юрак-қон томир касаллиги учун керак дорилар ҳам етишмайди. Юқоридагиларни инobatга олиб, поликлиникада фаолият кўрсатаётган ижтимоий дорихона зарурати, уларнинг фаолиятини изга тушириш, керакли дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари кўрилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Боймурод ЮСУПОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бўлим бошлиғи:

– Аҳолига янада кенг қўламли имкониятлар яратиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида 2 мингта ижтимоий дорихоналар тармоғини яратиш режалаштирилган. Лекин ҳозирги пайтда буларнинг ҳаммаси тўлиқ қувватда ишлаётгани йўқ. Борлари ҳам талабга жавоб берадими, баъзиларида фақат пештахтагина бор, холос. Уларнинг жойлашуви ҳам

ҳужжатларда кўрсатилган масофада эмас.

Дори-дармон нархларининг баландлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ижтимоий муҳофазатга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ижтимоий дорихоналарда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари дори-дармонларни имтиёзли нархларда харид қилиш имкониятига эга бўлиши, шунингдек, дорихона эгаларига солиқ имтиёзлари берилиши лозим. Уларда 344 та биринчи галда зарур бўладиган дори-дармонлар албатта, доимий ва узлуқсиз равишда бўлиши шарт.

Сайловда дастуриримизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий хизмат кўрсатиш ва зарурий дори-дармон ва тиббий воситалар билан таъминлаш ҳамда ижтимоий дорихоналар тармоғини яратиш, фаолиятини ташкил этиш устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар ўрганиши тажрибасини республика бўйича татбиқ этишни режалаштирганми. Депутатлар билан бирга олис ҳудудларда бу масалани чуқурроқ ўрганишимиз керак бўлади. Аниқланган камчиликлар бўйича сессияга масала киритилиб, уларда масъул идора раҳбарларининг ҳисоботини эшитишни йўлга қўйиш зарур.

Яна бир масала. Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий буюмлар ишлаб чиқаришга жавобгар, масъул ташкилот йўқ. Юртимизда 7 та мана шундай буюмлар ишлаб чиқарувчи корхона бўлса, уларнинг биттасигина талабга жавоб беради. Қолганлари ишга тушгани ҳам йўқ. Мана шу масалаларда жойларда депутатларнинг ташаббускорлигини ошириш лозим. Масала сессияларда номига кўрилиши керак эмас, натижаси бўлиши муҳим.

Хусниддин МУҲАММЕДОВ,
халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгаши депутати:

– Ижтимоий дорихоналар одамларнинг дардига малҳам бўладиган, уларнинг оғир пайтларида жонига оро қирадиган тизим бўлиши керак. Чунки ундай дорихонага ҳар қандай дори-дармонни сотиб олишга имкони бор бўлган одам мурожаат қилмайди. Бу дорихонага иши тушган одам биринчидан бемор, иккинчидан унга малҳам, шифо керак. Қўлидаги рецепт қоғозда ёзилган узундан-узун рўйхатдаги дориларни тўлиқ олишга қурби етмайди. Давлат ана шуларни ўйлаб, эҳтиёжманд қатламни йўлга қўйди. Энди ўйлаб қўрайлик, уларда мавжуд дорилар айнан муҳтожларга эмас, тўғри келган одамга сотилса ёки берилса. Биз ана шу масалани ҳам инobatга олишимиз керак. Дори-дармон ва тиббий воситалар манзилли бериляптими, уларнинг мақсадли етиб бориши қай даражада? Мана шу масалаларга ҳам эътибор қарати-

шимиз керак бўлади. Бюджетдан ажратилмаган пулларга келадиган дори-дармонлар ўз эгаларига тўғри етиб бориши керак.

Шаҳардаги ижтимоий ва хусусий дорихоналарда дори воситалари, тиббий буюмларни сотишда тадбиркорлар, дорихоналар томонидан 20 фоизгача устама қўйиб сотилмоқда. Айрим ижтимоий дорихоналар нархи кўчадаги дорихоналардан қиммат ҳам. Баъзиларида эса нархлар ўртасида тафовут у қадар сезилмайди. Ундай бўлса, ижтимоий дорихоналар хизмати нега керак, деган савол ҳам туғилиши табиий. Мана шуларни инobatга олган ҳолда ўрганилган камчиликларни бартараф этиш масаласида депутатлик ва жамоatchилик назоратини олиб бориш галдаги вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Шахло МИРХАЛИКОВА,

халқ депутатлари Мирзо
Улуғбек туман Кенгаши
депутати:

– Туман ҳудудида Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги 15 та тиббиёт муассасаси аҳолига маълум тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Оилавий поликлиникаларда ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда қўлланиладиган асосий 36 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмларнинг 12 тури эҳтиёжга асосан 407 462 923 сўмлик шартномалар имзоланган ва харидлар амалга оширилган. Бу эса умумий эҳтиёжнинг 70 фоизини ташкил этади.

Туманда 3 та, яъни 4, 6, 8 – оилавий поликлиникаларда ижтимоий дорихона фаолият юрвати. 1-сон туман фтизиатрия диспансери мавжуд бўлиб, туман аҳолисига сил касаллигини барвақт аниқлаш бўйича тиббий хизмат кўрсатади. Муассасада 99 нафар бемор даволанмоқда, шулардан силнинг дориларга сезгир тури билан 55 нафар бемор, силнинг дориларга турғун тури билан 16 нафар бемор, яширин сил инфекцияси билан 12 нафар даво муоалажалари олмақда. Шунингдек, 16 нафар болага сил кимё профилактикаси ўтказилмоқда. Жорий йил 6 ой ичида силга қарши бир қатор дори воситалари билан 55 нафар бемор даволанди.

Ўрганишлар давомида аниқланган хато ва камчиликлар тегишли ташкилот ва муассасаларга тақдим этилади. Ижтимоий дорихоналар фаолиятини кучайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилади. Бугун уларнинг ишини тубдан яхшилаш замон талабидир.

Тошнӣз АҲМЕДОВ,
халқ депутатлари
Шайхонтоҳур туман Кенгаши
депутати:

– Ижтимоий дорихоналар ҳақида гапирадиган бўлсак, дорилар билан таъминлаш даражаси юз фоиз эмас. Онкологик касалликлар бўйича дорилар берилмайди. Ёки арзимаган, таъсири кам дорилар берилади. Қанд касалликлар бўйича, қон босими бўйича дорилар бериляпти, рўйхат шакллантирилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганларга бепул берилади.

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши ҳамда туман Кенгаши депутатлари ҳамкорлигида 45-сонли оилавий поликлиникаси таркибидаги ижтимоий дорихоналар ўрганилганда улар дори воситалари ва тиббий буюмлар билан тўлиқ ҳажда таъминлангани аниқланди. 1 ойда 14 миллиондан 36 миллион сўмгача дори воситалари ва тиббий буюмлар олинади. Истеъмолчиларнинг фикрларига кўра, ижтимоий дорихоналарда дори воситалари 10-15 фоиз арзон сотилади.

Оилавий поликлиникалар қошида жойлашган филиал тармоқлари орқали ногиронлиги бўлган шахсларга уч томонлама рецепт асосида бепул дори воситалари берилади. Ўрганиш натижалари қоғозларда шундай қолиб кетиши керак эмас. Уни атрофлича таҳлил қилиб, масъул муассасалар билан ҳамкорликда ижтимоий дорихоналарни аҳолининг эҳтиёжманд қатламга энг яқин қўмақчи айлантиришга ҳисса қўшимиз керак.

Гулрух ОДАШБОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

БАРМОҚЛАРНИ КҮЙДИРГАН ҚАЛЪ ОТАШИ



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ АДИБЛАР ХИЁБОНИГА ҲАР ГАЛ БОРГАНИМДА УШБУ ГҶЗАЛ ВА ҚУТЛУФ МАСКАНДА ҚҶР ТҶКИБ ТУРГАН УЛУФ АДИБЛАРИМИЗ ХАЙКАЛЛАРИ ҚОШИДА УЗОҚ ҶЙГА ЧҶМАМАН. ГУЛЛАГАН НАСТАРИНЛАР ОРАЛАБ ҶЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ УЛУФ СИЙМОЛАРИ СУХБАТЛАШИБ ҶТИРГАНДЕК ТҶЮЛАДИ МЕНГА. БУНДАЙ АЖОЙИБ МУХИТНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДА ХАЙКАЛТАРОШЛАРИМИЗНИНГ ЖУДА КАТТА ХИССАСИ БОР.

Ушбу маскандан таниқли хайкалтарош Равшан Миртожиев томонидан ишланган Зулфия, Ғафур Ғулум, Ойбек, Саид Аҳмад ва Саида Зунунова хайкаллари ҳам Ҷрин олган. Ҳар бир ёдгорликка хайкалтарош Ҷзига хос ижодий ёндашган. Зулфия хайкалида тақдирнинг барча синовларига дош берган оқила, меҳнатсевар Ҷзбек аёли, мунис ва меҳрибон шоирнинг нурли сиймоси мужассам бўлган. Хайкал пойида битилган, чүқур фалсафий мазмунга эга бўлган, таъбир жоиз бўлса, Зулфия опанинг ҳаёт ва ижод йўлини яққол ифодалаб берадиган: "Мен Ҷтган умрга ачинмай кўйдим, Ҳеч кимда кўрмайин умримга Ҷхшаш: Сўйдим, эркаландим, айрилдим, кўйдим, Иззат нима билдим, шуда, бир яшаш!" деган сатрлари унинг хорғин, Ҷйчан руҳиятига ҳамоҳанг.

Хиёбонда вафо ва садоқат тимсоли сифатида Саид Аҳмад ва Саида Зунунова монументи ҳам савлат тўкиб турибди. Икки жуфтликнинг яқдиллиги, ҳамжихатлиги, уларнинг садоқати, ибратга арзигулик фазилатлари моҳир хайкалтарош томонидан яққол ифодалаб берилган. Саида Зунунова хайкалида оқила, метиндек сабр-матонат соҳибаси, вафодор умр йўлдоши, ёруғ, нурли, истарали инсон қиёфасини кўришимиз мумкин. Бир умр бир-бирига суяниб яшаган, шифақатсиз давр синовларида тобланган икки улугвор сиймонинг ҳаёт йўли ва ижоди ёшларга ҳақиқий ибратдир.

Ойбек хайкалида эса ирода кучи, олийжаноблик ва адолатлилик мужассам. Адибнинг қўлида Алишер Навоӣ асари. Унинг нигоҳи буюк аждоғига қаратилгандек узоқларга тикилган. Бу Ҷткир нигоҳи рассом А.Абдуллаевнинг "Ойбек" портретида ҳам мавжуд эди. Курсида оёқларини чалиштирганча Ҷтирган Ой-

бекнинг руҳий-ҳиссий олами чүқур ифодавийликда талқин этилган. Хайкалтарош унинг қатъий иродага эга феъл-атвори, ижодининг қўламини ёрқин ифодалашга эришган.

Ғафур Ғулум монументида гўё академик шоир ижодий сафардан қайтаётгандай, юрагида янги шеърлар, ҳаётдан кўнгли тўлиб келажак сари дадил одим отаётгандай таассурот уйғотди сизда...

"Мен маҳобатли хайкал устида ишлаётганимда улардан бирортасини эсламайман. Мени кўшнинг чиқиси ва ботиши, хайкал ўрнатиладиган жойнинг ландшафти, маконнинг бўлажак хайкалга нечоғлиқ боғлигини кизиқтиради. Булар ҳақида Ҷйлашим билан, албатта, образнинг ечимларини топа бошлайман", - деган эди хайкалтарош. Ҳа, ижодкор нурсоя Ҷйнинидан фойдаланиш орқали асарнинг таъсир кучини оширишга эришади. Оддийроқ қилиб айтганда, нур тушиши билан хайкал жонланади. Нур Ҷз йўналишини Ҷзгатириши билан хайкалдаги нур-соя товланиши ҳам Ҷзгаради. Натижада ундан томошабин оладиган таассурот ҳам Ҷзгача бўлади. Хайкалтарош маҳорати, тўғри топилган ҳаракат, юздаги мимик ҳолат эса асарнинг таъсири бўлишида муҳим Ҷрин тутади.

Ҳақиқий ижодкор доимий изланишда бўлади. Бу борада у Ҷзидан аввалги мактаблар, услублар ва йўналишларга синчиклаб назар ташлар экан, улардаги энг мумтоз мукамал ва шу билан бирга оддий чизгиларнинг сирларини Ҷрганишга, тугунларни ечишга ҳаракат қилади. Шу интилиш ва тадқиқий таҳлил этиш билан Ҷзига ижодий йўл танлайди ҳамда ундан сабр-матонат билан боришга ҳаракат қилади. Равшан Миртожиев Ҷзининг нисбатан қисқа, аммо

» **ҲАҚИҚИЙ ИЖОДКОР ДОИМИЙ ИЗЛАНИШДА БжЛАДИ. БУ БОРАДА У ҶЗИДАН АВАЛГИ МАКТАБЛАР, УСЛУБЛАР ВА ЙжНАЛИШЛАРГА СИНЧИКЛАБ НАЗАР ТАШЛАР ЭКАН, УЛАРДАГИ ЭНГ МУМТОЗ, МУКАММАЛ ВА ШУ БИЛАН БИРГА ОДИЙ ЧИЗГИЛАРНИНГ СИРЛАРИНИ ҶРГАНИШГА, ТУГУНЛАРНИ ЕЧИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ.**

шарафли ижодий фаолияти орқали Ҷзбекистон тасвирий санъатида Ҷчмас из қолдириб кетган санъаткорлардан биридир. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ ижод парвозига киришган хайкалтарош меҳнати ва ижодкорлик салоҳияти сабаб Ҷзбек халқининг ифтихори саналган бир қатор аллома ва адибларга бағишланган хайкалтарошлик асарларини яратишга муваффақ бўлган. Ҷз ишларида миллий Ҷзига хослик анъаналарини сақлаш ва ижодий ташбеҳ қилиш мақсадида биринчилардан бўлиб хайкалтарошлиқда миниатюра санъатига хос нафис чизгилар, пластик нафосатни қўллашга эришган.

Равшан Миртожиевни илк ижод йилларидан бошлаб ҳаётий образлар билан бир қаторда тарихий шахслар, уларнинг буюк амаллари ва жасоратларини акс эттириш мавзуси кизиқтирган ("Қамолиддин Бехзод", "Темур Малик"). Айнан шу даврдан хайкалтарош ижодида ватанпарварлик билан алоқадор мавзулар етакчилик қила бошлади. 1985 йилда Андижон шаҳрида ўрнатиладиган "Она ва бола" хайкали бунга мисолдир. Ёдгорлик мавзуси иккинчи жаҳон урушидаги жоғеавий тарих билан боғлиқ. Хайкалтарош мазкур асар орқали Ҷзбек оналарига Ҷзига хос монумент ўрнатди. "Мотамсаро она" хайкалининг

Жиззах (1999 й.), Андижон (2000 й.), Фарғонада (2000 й.) турли Ҷлчамларда ўрнатиладиган ёдгорликлари она Ватаннинг бевақт ҳалок бўлган фарзандларига бағишланган сукутли марсиясидир.

Мустақиллик йилларидан сўнг рассом гўёки ижод завқи жўшгандек кенг қўламли ижодий парвозни амалга оширади. Бу йилларда рассом кетма-кет ижодий буюртмалар олади. Чунки ҳар бир буюртма рассом иқтидори ва изланишлари натижасида омадли бадиий образлар пайдо бўлишига олиб келар, аллома ва адибларнинг қиёфаларига энг аъло топилмалар мужассам бўларди.

Равшан Миртожиевнинг миллий тасвирий санъат ривожига қўшган энг йирик ҳиссасидан бир унинг хайкалтарошлиқда миниатюра услубининг асосчиси сифатида кириб келишидир. Маълумки, А.Николаев (Усто Мўмин), Чингиз Аҳмаров каби рассомлар рангтасвирда миниатюра санъатига хос чизгиларни қўшиш орқали образларга Ҷзига хос назокат бахш этганлар. Хайкалтарош эса Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва Қамолиддин Бехзод хайкалларида улар яшаган давр билан ассоциацияни кучайтириш ҳамда уларнинг ижодидаги нафосат, латиф бир гўзаллиқни томошабинга кўпроқ аңлатиш мақсадида миниатюрадаги нафис чизгилардан фойдаланишга интилган. Хайкалтарошлик асарининг бадиий ечимида миниатюранинг нозик чизгиларини қўллаш омадли натижалар берган.

1990-2010 йиллар оралиғи хайкалтарошнинг ҳақиқий ижодкор сифатида шаклланиши ва сермахсул ижод йиллари саналади. У Тошкентда Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулум, Зулфия, Ойбек, Беруний, Саид Аҳмад ва Саида Зунунова хайкаллари, Андижонда - Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Бобур монументлари, Самарқандда - Рудакий ва Мирзо Улуғбек хайкаллари, Бухорода Фитрат ёдгорлиги, Ғазалкентда Элбек хайкаллари яратади. Шунингдек, пойтахт майдонларига ўрнатиладиган "Ватанга қасамёд", Жиззах, Андижон ва Фарғона майдонларидаги "Мотамсаро она" хайкаллари муаллифи саналади.

Равшан Миртожиевнинг ижод намуналари дунёнинг қўллаб марказий шаҳарларида ҳам қад ростлаган. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоӣ хайкали кўнчарқар мамлакат пойтахти Токиода, Озарбайжон пойтахти Бокуда ва Вашингтондаги АҚШ конгресси кутубхонасида Ватанимиз номини оламга, одамларга эслатиб, тараннум этиб турибди. Шунингдек, Латвия пойтахти Рига шаҳридаги майдонни у ишланган Абу Райҳон Беруний хайкали безаб турибди. Бу эса уни чин маънода халқроқ тоифадаги ижодкор сифатида эътироф этиш учун замин яратади.

Шу ўринда Хитой ва Ҷзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Шанхай шаҳрида тикланган буюк Ҷзбек шоири Алишер Навоӣнинг бронза хайкалига тўхталиб ўтсанг, Хайкалнинг баландлиги 3,6 метр, постамент (хайкал ўрнатиладиган махсус супа) эса - 1,8 метрга тенг. Шарқнинг буюк шоирини бор буй-баста билан ишлар экан, унинг миниатюраларда қолдирилган тасвирларидан фойдаланган ҳолда, образнинг тийрак ҳолатини шоирона шаклда, ижод лаҳзалари оғушида беришга интилган. Муаллиф ижодкор сиймоси устида ишлар экан, замоннинг этнографик унсурлари, либослари билан чекланиб қолмайди, балки Ҷша давр этикаси, яшаш тарзидаги анъаналарни ҳам ҳисобга олади. Бу каби ижодий қўла

муаллифнинг тарихий сиймоларни яратиш мавзусидаги бошқа асарлари учун ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилган. Юқоридаги хусусиятлар Москва ва Ригадаги Мирзо Улуғбек, Озарбайжон ва Москвадаги Алишер Навоӣ, Қоҳирадаги Аҳмад Фарғоний, Самарқанддаги Рудакий ва Мирзо Улуғбек хайкаллари ижросида ҳам яққол кўзга ташланади.

Равшан Миртожиев яқин Ҷтмишдаги тарихий сиймолар, хусусан, миллат ва юрт озодлиги учун кураш олиб боргани сабабли 1930 йилларда қатағон қилинган жаҳидлар образларини яратиш устида ҳам алоҳида изланишлар олиб борди. Жаҳидларнинг ижоди, улар яшаган ва қатл этилган масканлар, ҳаёт йўллари билан яқиндан танишди ва бу ижодий изланишлар хайкалтарош учун чинакам маҳорат мактабини ўтади. Бугунги кунда номлари эл ардоғида бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Элбекка ўрнатиладиган монументларда миллий гурур ва жасорат, қайғу ва алам, умид ва наҳот рамзлари Ҷз ифодасини топган. Хайкалтарош Абдулла Қодирий образини яратиш, унинг руҳиятига кўпроқ кириб бориш мақсадида Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидаги Шаҳидлар хотира майдонига тез-тез борган. У шоғирдлари билан бўлган суҳбатларда, "Қалъ оташи бармоқларни куйдирмагунча асл ижод намунаси яратилмайди", деган сўзларни бот-бот такрорлаган.

Фитрат хайкалини яратишда ижодкор унинг табиатида хос бўлган салобат ва вазминлик, қиёфасидан билиниб турган теран фикру Ҷйлари ифодалашга интилган. Ушбу хайкал ўрнатиладиган жой бугунги кунда Бухоро шаҳрининг Ғавжум зиёратгоҳ жойларидан бирига айланган. Хайкалтарош мазкур монумент орқали Абдурауф Фитратнинг XX аср туркий халқлар оламидаги энг ёрқин олдуз бўлганлигини аңлатишга интилган.

Равшан Миртожиев ижод жараёнида Ҷз ғоясини пластилин, лой каби хом ашёларда амалга ошириб, сўнг бронзада қуйиши хуш кўрган. Шу билан бирга, хайкалтарош қийинчиликлардан қочмаган.

Ҳар бир санъаткор Ҷз ижодий йўлини топишга интилади. Бундай изланишлар натижасида унинг Ҷзига хос фалсафий олами ҳам шаклланиб боради. Хайкалтарош асосан маърифатпарвар инсонларнинг қиёфасини яратиш жараёнида уларнинг ҳаёти, илм ва ижод йўлини мукамал талқин этган. Шу аснода, унда инсоннинг маънавий камолоти ҳақидаги дунёқараш ривожланиб борган, бу эса табиийки бадиий тафаккури шаклланишида ҳам катта мактаб вазифасини бажарган.

Эҳтимол, шу сабабли Р.Миртожиев асарларида яширин руҳий ҳолатлар, қалбдаги турли кечинмалар, давр ва ҳаёт билан боғлиқ муаммолар мавҳум образлар орқали талқин этилади. Тарихий шахслар сиймоларида руҳий қатъият, маънавий комиллик, Ҷз идеалларига қатъий ишонч туйғулари ёрқин намоён бўлади. Бугунги кунда Равшан Миртожиев яратган монументлар ёш хайкалтарошлар учун алоҳида ижодий мактаб вазифасини ўтамоқда. Бир сўз билан айтганда, моҳир хайкалтарош Равшан Миртожиевнинг хайкалтарошлик асарлари ҳар жиҳатдан Давлат мукофотида муносиб ҳисобланади.

НИГОРАХОН ҚУЛТАШЕВА, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ўзбекистон Республикаси
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**2022 ЙИЛ
15 АВГУСТ – 15 СЕНТЯБРЬ**

Акция доирасида қуйидагилар ўрганилади ва таҳлил қилинади:

- » Аҳоли ва тадбиркорларнинг кўчмас мулкларини эгасиз деб топиш амалиёти
- » Аҳоли ва тадбиркорларнинг ерлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиб, компенсация тўлаб берилмаганлик ва мавжуд қарздорлик ҳолатлари
- » Тадбиркорлар томонидан хусусийлаштирилган кўчмас мулклар, хусусийлаштириш тартибига риоя қилинмаганлиги учун қайтариб олинганлик ҳолатлари.

"ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗ ВА ДАВЛАТ ХИМОСИДАДИР"
- АҚЦИЯСИ -

Мурожаатлар

1008 Ишонч телефон рақами

Info@adliya.uz электрон манъили рақам

Адлия органлари томонидан қабул қилинади

ДЕПУТАТ ЁРДАМИ БИЛАН САҲРО БАҒРИДА ТИББИЁТ ПУНКТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Президентининг "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида аҳолига қулайлик яратиш, инсон қадрини улуғлаш мақсадида маҳалларда, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли учун тиббий пунктлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилган эди. Бухоро вилояти Ромитан туман марказидан 300 км. масофада жойлашган Қизилравот маҳалласидаги "Гугуртли" овулда "Маҳалла тиббий пункти" қад ростлади.

Вилоят кенгаши депутати Н.Милтиқбаевнинг юқори ташкилотларга депутатлик сўровлари билан чиқши Ҷз самарасини берди. Очилиш маросимида Ромитан туман ҳокими ўринбосари Ф.Саломов Ҷз сўзида мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, тиббий муассасалари учун мослаштирилган янги бинолар қуриш, уларни илғор ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, тиббий хизмат сифати юксалиб бораётганини таъкидлади. Тиббий пункт зарур жиҳозлар, ускуналар билан

таъминланди, шифокор ва патронаж ҳамширалари бириктирилди. Умуман, бу ерда шифокорлар учун ҳам, беморлар учун ҳам барча қулайликлар яратилган.

"Гугуртли" овулда яшовчи аҳоли энди тиббий хизмат учун узоққа бориб юрмайди. Улар кўча гузаридан очилган тиббий пунктда тиббий қўриқдан ўтиш, турли тиббий муолажаларни олиш имконига эга бўлди. Бундан аҳоли мамнун ва қувончи юзидеги табассумида Ҷз ифодасини топган.

Ўз мухбиримиз.

MUNOSABAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ШУКРОНАЛИК – ИНСОННИНГ ЗИЙНАТИ, БАРАКА КАЛИТИ



Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи
Кенгеси депутаты,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист:

— “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз”. Искот учун мисолларни олишдан излашнинг асло ҳождати йўқ, ҳар биримиз шундоққина ён атрофимизга теран назар ташласак бас.

Эл азиз бўлмаганида бу эл, туманлар марказлари, шаҳарларни қўйинг, овуллар, қишлоқлар, маҳаллалар, кўчалар шунчалик обод бўлармиди? Агар эл азиз бўлмаганида саҳро ичра сўлиб, харобага айланган Мўйноқ шундай кўркам қиёфа касб этармиди? Ҳатто номи ҳам йўқ бўлиб кетган Бўзатов обод бўлармиди? Нукус гуллаб-яшнаб, туманлар шунчалик ўзгарармиди? “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида 80 дан ортиқ қишлоқ ва овулларнинг қиёфаси тубдан янгиланармиди?..

Агар инсон азиз бўлмаганида, одамларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурлар амалга оширилармиди?

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби дунёда ўхшаш бўлмаган механизмлар ҳаётга татбиқ этиларми-

ди? Агар инсон азиз бўлмаганида, Қорақалпоғистоннинг ўзида аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ўн мингдан ортиқ хонадонли уй-жойлар қурилармиди?

Қанча-қанча болалар боғчалари, мактаблар, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилармиди, чет элларда ўтказилиши мумкин бўлган оғир жарроҳлик амалиётлари Нукус шаҳри, Хўжайли, Беруний туманларида ўтказилармиди? Ҳаётини эҳтиёж бўлган қанча-қанча мушкулларимиз осон бўлармиди?

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғриси”даги қароридан кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш, бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш қайд этилади.

Тўғри, бизнинг авлод момо-болаларимиз, ота-оналаримиз каби уруш ва унинг оқибатларини кўрмадик. Очлик, қаҳатчиликни кўрмадик. Аммо бизнинг ҳам ёшларга айтиб берадиган, уларни бу кунларнинг қадрига етишга ундайдиган, даъват этадиган хотираларимиз бор. Зеро, биз мустақилликнинг дастлабки йилларидаги, ҳатто яқин йилларгача давом этган қийинчиликларга гувоҳ бўлдик.

Масалан, узок ва яқин тарихимизга дахлдор бўлган пахта йиғим-терими гала-говурларини олайлик. Ўқувчи мактабга борса, ўқитувчи пахтада, касал шифохонага борса, шифокор пахтада, давлат идораларининг барчасининг эшигига “ҳамма пахта йиғимига”, деб ёзиб қулф уриб



қўйилган. Бошинга тош қулса ҳам додингни эшитадиган одам йўқ. Уша пайтлар “шундай кунлар келади, “нима муаммон бор”, деб уйингга бориб, эшигини тақиллатиб туришди”, дейишса ким ишонарди?

Мен ҳар доим нақд пул ечиб олиш учун банкоматга борсам, бундан олти-етти йил олдинги бир воқеа эсимга тушади. Ушанда бир кекса онахон:

— Оладиганим озгина пенсия ҳам пластикка тушади. Нақд пул қилиб оладиган жой йўқ. Магазинчи ё пластикка савдо қилмайди, ё уялмай-нетмай фалонча сўмини ушлаб қолади, — деб фарёд қилганди.

Қўлига пластикни қисиб, на нақд пул, на керак нарсасини оломай сарсон бўлган онахон-ку бу кунларни кўрмай ўтиб кетди. Ҳеч эслаймизми, қислаимизми, чўнтагидаги пластикка хоҳлаган қандайдир савдо қилиб кетаётган фарзандларимизга айтиб берармизми?

Ёки аёлларимиз, опа-сингилларимиз уйимиздаги тўйларда,

тантана-тадбирларда дастурхон безатаётиб, энг охири русумдаги, кўзни қамаштирадиган чинни ва биллур идишларда қанд-курс, чақ-чуқ, меваларни қўяётганимизда, бундан ўн беш йиллар муқаддам урф бўлган турли ранглардаги арзон пластмасса идишчаларни эслаймизми?

Энг аввало, кечаги ва бугунги кунимизни солиштирсакгина, ҳаётимиз қандай ўзгарганини англаймиз.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларнинг ижобий натижаларини тушунтириб бериш энг аввало, ижодкорлар, жамоатчилик фаоллари, биз, халқ вакиллари вакиллари вакиллари. Зеро, шукроналик – инсоннинг зийнати, барака калити. Шукроналик қўлимиздаги неъматларни нафақат сақлаб қолади, балки уларни янада зиёда қилади.

БИЛАСИЗМИ?



Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига кириш Ўзбекистон фуқаролигини йўқотишга асос бўлади

Ўзбекистон фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга ёлланиши 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Шунингдек, шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги Ўзбекистон фуқаролигини йўқотишга асос бўлади.



Рецептли дориларни рецептсиз бериш тақиқланади

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дорилар учун ёзилган рецептлар дорихоналарда бир йил давомида сақланади.

Беморга рецептли дориларни рецептни расмийлаштирмасдан тайинлаш тақиқланади.

Дорилар ва тиббий буюмларнинг савдо жараёнини узулсиз равишда видеога ёзиб олиш ва 1 ой давомида видео-ёзувларни сақлаш мазкур фаолият учун лицензия талаби ҳисобланади.

Мазкур талабнинг мунтазам бир йил давомида бир мартадан кўп бузилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.



Ҳаётини хавф остида бўлган фуқарони муассасага олиб боришда тиббиёт ходими ҳар қандай транспортдан фойдаланиши мумкин

Фуқаронинг ҳаёти хавф остида бўлган тақдирда тиббиёт ходимлари уни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун ҳар қандай транспорт туридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



Бошланғич синф ўқитувчиларининг иш вақти ҳафтасига 18 соатдан ошмаслиги керак

1-4 синф ўқитувчилари, мактаблар, барча тур ва номдаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчи-логопедлари, ўқитувчи-дефектологлари, гимназиялар, лицейларнинг ўқитувчилари, логопедлик хоналари мудирларининг ҳафталак иш соати 18 соатдан ошмаслиги керак.



Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга 50 фоиз кўпроқ стипендия берилади

Қонунчиликка кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат боғчалари ва мактабларга навбатга қўйилмасдан жойлаштирилади.

Уларга техникум, коллеж, академик лицей ёки ОТМда ўқиётганда ҳар ўқув йилида 1 мартада ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар) харид қилиш учун БҲМнинг 5 баравари (1 млн. 500 минг сўм) миқдоридан субсидия берилади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқишни давлат ОТМларида давом эттирганда уларга стипендия 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади.

t.me/huqqiyaxborot

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин. Айнан мана шу офат сабабли дунё бўйича йилга қанчадан қанча кишилар соғлиғидан ажралади, бошпанасиз қолади, айримлар ҳалок бўлади. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар иқтисодийга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Бундай нохуш ҳолатлар кўпинча бепарволигимиз оқибатида содир бўлса-да, биз айбдорларни четдан излаймиз. Мисол учун, қозондаги ёғдан ёнғин келиб чиқиб, ошхонага жиддий путур етса, албатта “газ идораси” айбдор. Чунки уй эгалари “Газимиз паст эди, бирдан баланд бўлиб кетибди. Шунинг учун ёғ ёниб кетибди”, деган хулоса чиқарадилар. Ваҳоланки газ плитасида нафақат ёғ, балки чой учун қўйилган чойнак ҳам назоратсиз қолиши мумкинлигини уй эгалари тушунишлари керак.

Албатта, ҳар бир корхона-ташкilotда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари бўлади. Аммо ёнғинларнинг олдини олиш, ўт ўчиришдаги асосий масъулият ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Озгина бепарволик жуда қимматга тушиши, ҳатто инсон ҳаётига зомин бўлиши мумкинлиги ҳар биримизни ҳушёрликка ундаши керак.

Б.САБИРОВ,
Президент
Администрациясига
қарашли
“Архив” ва “Халқ
қабулхонаси” биноларида
ЁҲТТЭ бўлимаси
мутахассиси, катта сержант.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Кинематография агентлиги, Бадий академия, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий республика кўрик-танловига ҳужжатларни қабул қилиш жараёни давом этмоқда.

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ўтказилаётган ушбу танловга топширилган материаллар бўйича қуйидаги йўналишларда ғолиб ва совриндорлар аниқланади:

- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- интернет-журналистика;
- журналистлар томонидан нашр этилган публицистик мавзудаги китоблар;
- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Эслатма: ҳужжатлар info@jurnalistlar.uz электрон почтаси орқали ҳам қабул қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишларга

қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2021 йилнинг 1 августидан 2022 йилнинг 1 августигача бўлган даврда эълон қилинган материаллар — асарлар жорий йилнинг 22 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар “Энг улуғ, энг азиз танловига”, деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

1. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 90 990 35 80; 33 855 10 13; 71 244 62 89.
2. Ўзбекистон “Тасвирий ойна” уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 71-244-11-64.
3. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 100066, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, Адиллар хиёбони. тел. 71-231-83-49
4. Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 1 "А" уй. Тел. 71-277-81-49.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ОАВЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

20 май - 17 август ҳулмаси кўра

Таклифлар оммавий ахборот воситаларида 74 852 мартаба ёритилди

Телеканалларда	12 507 та	Радиоканалларда	3 309 та
Матбуотда	8 572 та	Интернет (ижтимоий тармоқларда)	50 464 та

Хорижлик экспертлар ва ватандошлар иштирокида:

Видеоматериал	111 та	Интервью	380 та	Шарҳ ва мақола	170 та
---------------	--------	----------	--------	----------------	--------

Миллиардлаб кредитлар тўланмаган.

БҮЁҒИ НИМА БЎЛАДИ?



Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги кўп хонадонли уй-жойлар соҳасидаги ўзгаришлар, мавжуд муаммолар ечими юзасидан матбуот анжумани ўтказди.

Анжуманда бугунги кунда вазирлик томонидан кўп хонадонли уй-жойларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, бошқарув ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, кўп хонадонли уйлардаги умумий мол-мулкни саклаш ва таъминлаш, уларга туташ ер участкаларини аниқ белгилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ҳозирда мамлакатимизда 39 минг 683 та кўп қаватли уй-жой мавжуд бўлиб, унга 593 та бошқарув компанияси ва 772 та ширкат хизмат кўрсатиб келинаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 15 та ҳудудида кўп квартиралли уй-жойлар жойлашган ерларни очиқ танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктириш бўйича лойиҳа амалга оширилди, – дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Озода Жўраева. – Мазкур лойиҳа сабабли 1 минг 227 та кўп квартиралли уйда истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш шароитлари янада яхшиланди. Бошқарувчи ташкилотларнинг кредит қарздорлиги 2 бараварга қисқарди. Урни келганда яна шуни айтиш жоизки, республикада фаолият олиб бораётган 772 та уй-жой мулкдорлари ширкатининг 311 тасида муаммоли кредитор қарздорликлари мавжуд бўлиб,

2,5 мингдан зиёд кўп хонадонли уй-жойларда истиқомат қилувчи аҳолига тегишли хизматлар кўрсатилмапти.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 4 августида Президентимизнинг «Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, жорий йил 1 сентябрга қадар ширкатлар мулкдорлар қарори билан тугатилган тақдирда уларнинг муаммоли кредитлари 3 йилга музлатилади. Улар тегишли кўп квартиралли уйларни бошқариш рейтингини юқори бўлган бошқарувчи ташкилотга берилади. Жорий йилда 17 минг 530 та кўп квартиралли уй бошқарувчи ташкилотларга бириктирилди.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, 2017-2022 йилларда ширкатлар жами 1 887,2 миллиард сўм кредит олган. Ушбу кре-

дитларнинг қопланмаган қисми эса 1156,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда 1303 та тугатилган ширкатларнинг 630 миллиард сўм кредит маблағлари 3 йилга музлатилган. Қолган 772 та ширкатдан 311 тасида жами 201 миллиард сўм миқдордаги муаммоли кредитлар мавжуд.

Муаммоли кредитлари мавжуд бўлмаган ва барқарор ишлаётган ширкатлар фаолиятига ҳеч ким аралаша олмайди. Бугунги кунда кредит олмасдан фаолият юритаётган 167 та ширкат мавжуд ва уларнинг фаолияти аҳолини қониқтириб келмоқда.

Бундан кейин кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари электрон реестрга киритилгандан сўнг фаолиятини амалга ошириши мумкин бўлади. Ҳозирги вақтда аксарият мулкдорлар бошқариш органлари тўғрисида, хусусан, бошқариш органи раҳбари, унинг сертификатга эга ёки эга эмаслиги, ташкилот манзили, бошқарувидаги уйлар тўғрисидаги маълумотга эга эмас.

Бундан ташқари, бошқарув органларининг реестрида юқоридаги маълумотлар ўрин олиши билан бирга, унинг рейтингини, хизмат кўрсатиб келаётган майдони ва бошқа статистик маълумотлар киритилади. Бу эса, ўз навбатида, соҳанинг шаффофлигини, фуқароларнинг ушбу маълумотлардан бемалол фойдаланишини таъминлайди.

Юқоридаги қарорда кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари ижарага берилиши ва ижара тўловлари бошқарувчи ташкилотларга тўлаши қатъий белгиланган. Шунингдек, эндиликда фойдаланишга қабул қилинган кўп квартиралли уй-жойни бошқариш усулини танлаш қарорини томонидан амалга оширилади. Янги қурилган кўп квартиралли уй-жойнинг олди-сотди шартномаси билан бир вақтда қурувчи томонидан танланган бошқарув усулидан сотиб олувчини хабардор қилиш ҳамда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузиш тартиби ҳам жорий қилинади.

Матбуот анжуманида масъуллар эндиликда янги қурилган кўп квартиралли уйларга фақат шахсий идентификация картаси орқали фойдаланиш имкониятига эга ва видеокузатув функциялари мавжуд лифт ускуналари ўрнатилиши белгилангани ҳақида ҳам ахборот берди.

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАР ДОИРАСИДА АМАЛИЙ ИШЛАР

Жорий йилнинг 21 август куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига бўшаган ўринларга сайловлар ўтказилиши белгиланган. Шу кунларда жойларда сайловолди учрашувлар ташкил этилмоқда. 18-сонли “Ён-бошқалъа” сайлов округидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Сапарбаев Рустам Турсынбаевич муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида Тўрткўл туманида сайловчиар билан очиқ мулоқотлар ўтказмоқда.

Учрашувлар натижалари ўлароқ, бугунги кунда “Ёнбошқалъа” ОФЙ ҳудудига 70 донга темир-бетон устунлар олиб келиб ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 1 донга трансформатор янгиланди. 5 км. ораликдаги газ қувурларини таъмирлаш ва янгилаш ишлари бошлаб юборилди. Худуд аҳолисининг кундалик ҳаётида энг зарур бўлган 15 км.лик йўлга асфалт ётқириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунинг билан бирга, ички хўжалик йўллари учун қум-шағал аралашмаси етказиб берилди ва ички йўллари текислаш ишлари бошлаб юборилди.

Бундай амалий ишлар жойларда давом этмоқда.

SQB РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЯНГИ ДАСТУРЛАР ЯРАТИЛМОҚДА



Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан “Тадбиркорлик субъектлари учун жорий қилинаётган янги рақамли банк хизматлари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк раҳбарияти ва тегишли таркибий бўлинмалар масъуллари иштирок этди.

Тадбирда мижозларга банкдаги ўз ҳисобрақамларини 24/7 режимда бошқариш имконини берувчи “SQB Business” интернет банк хизмати ишга туширилгани ҳамда ушбу дастурга уланиш ва хизмат кўрсатиш мутлақо бепул эканлиги таъкидланди. Шунингдек, масъуллар унинг афзаллиги ва банкда ахборот технологиялари соҳасида амалга оширилаётган бошқа чора-тадбирлар тўғрисида ҳам ахборот берди.

Президентимиз иштирокида жорий йил 29 июль куни “Аstrum” IT академиясида ўтказилган ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва ёшлар билан учрашувда дунё миқёсида IT тармоғидаги ўсиш суръати йилга 10 фоизни ташкил этаётганини таъкидлаб, раҳбарларга рақамлаштиришни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига олиб чиқиш бўйича топшириқлар берган эди, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари Шохпур Гултўраев. – Эътиборли жиҳати, давлатимиз раҳбари айрим вазирлик ва ташкилотлар қатори бу борада “Ўзсаноатқурилишбанк” да ҳам ижобий натижалар борлигини алоҳида қайд этди. Шу боисдан банк тизимида трансформация жараёнларининг ҳар бир босқичида кенг қўламли рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бошқарув ва банк операцияларидан тортиб, хизмат кўрсатиш стандартлари ва маҳсулотларни яратишгача бўлган барча йўналишларда янги ташаббус ва ғоялар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Мисол тариқасида айтиладиган бўлсак, “SQB Business” дастури ҳам банкнинг юридик шахс ва

якка тартибдаги тадбиркор мақомидаги мижозларига бир қатор қулайликлар яратмоқда. Хусусан, банк тизимидаги барча ҳисоб рақамларини кузатиш, бошқариш, ҳар қандай тўловларни ўтказиш, корпоратив карталарни тўлдириш, ҳисоб варақлардан кўчирмалар олиш ва ҳисоботлар яратиш шулар жумласидандир.

Бу дастурни ишга туширишдан олдин 100 яқин мижозларимиз билан ҳамкорлик қилиб, уни синовдан ўтказдик. Шу жараёнда имкониятларни кенгайтирдик. Дастуримиз орқали мижозларимиз тадбиркорларга оид янги қарорлар, фармонлар билан танишади. Экотизим бўлимида эса банкимизнинг бошқа хизматлари ҳақида ҳам маълумотларни билиб олиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, мижозларимиз дастуримиздан ўзига қулай шароитда ва ҳар қандай вазиятда юртимизнинг исталган ҳудудидан ҳавола орқали кириб фойдаланиши мумкин.

Банкимиз тизимида “мижозга йўналтирилган” тамойилида амалга оширилаётган ишлар банк хизматлари истеъмолчилари билан муносабатларнинг янги, янада манфаатли шакллари юзга келтирилмоқда, – дейди Банкнинг департаменти бўлим бошлиғи Хабибула Назаров. – Бу, айниқса, банк хизматларини рақамлаштиришда кўпроқ намоён бўлмоқда. “SQB Business” барча тармоқларимиздаги мавжуд ҳисоб рақамлар бўйича амалиётларни битта дастур орқали бажариш

ва бошқариш имконини беради. Зеро, дастур фойдаланиш учун қулай ва содда интерфейсга эга. Уни бошқа браузерлар орқали ҳам ишлатиш имкони мавжуд.

Ҳозирда “SQB Business”га қўшимча хизматларни қўшиш бўйича изланишлар давом этмоқда. Хусусан, яқин истиқболда дастурнинг мобил версиясини ишга тушириш, мижозлар учун савдо майдончасини (Marketplace) яратиш, у орқали онлайн кредит ва омонат расмийлаштиришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шунингдек, тадбирда мутасаддилар тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий қилинаётган бошқа инновацион хизматлар ҳақида ҳам тўхталиб, янги NFC тизимида ишловчи “Tap to Phone” модули имкониятлари ҳақида тушунчалар берди. QR-Online контактсиз тўлов тизими мижозлар ўртасида кенг омалашаётгани ҳам таъкидланди.

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” мухбири.





URGANCH
YOG'-MOY AJ

«URGANCH YOG'-MOY»

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни мустақилликнинг

31 йиллиги билан муборакбод этади!

Ушбу саодатли кунларда барчамизга тинчлик,
осойишталик ва бахт ҳамиша ёр бўлсин!



Хоразм вилояти

«XORAZM UNIVERSAL QURILISH»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

ҳамюртларимизни ва барча соҳа ходимларини

энг улуғ, энг азиз байрам билан

чин қалбдан табриклайди.

Халқимизга бахт-саодат, қадр-қиммат,

тараққиёт олиб келган истиқлол

мангу бўлсин.



MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 841. 1850 nusxada bosildi. O'ZA yakuni — 21:35
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 22:00
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA